

**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 27 » май 2019 у.

№ 433

Toshkent sh.

**Меҳмонхона хўжалиги фаолиятини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 5 январдаги ПҚ–4095-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Инвесторларга янги меҳмонхона қуриш ва уни жиҳозлаш учун субсидия ажратиш ҳамда ташкилотларни франчайзинг тўғрисидаги шартнома асосида қисман молиялаштириш учун Давлат бюджетидан маблағ ажратиш тартиби ҳақидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов ва Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси вазифасини вақтинча бажарувчи А.У. Аккулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил “27” майдаги 433-сон қарорига  
илова

**Инвесторларга янги меҳмонхона қуриш ва уни жиҳозлаш учун субсидия  
ажратиш ҳамда ташкилотларни франчайзинг тўғрисидаги шартнома  
асосида қисман молиялаштириш учун Давлат бюджетидан  
маблағ ажратиш тартиби ҳақидаги  
Низом**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом янги меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситаларини (кейинги ўринларда меҳмонхоналар деб аталади) қуриб, 2019 йил 5 январдан бошлаб 2022 йил 1 январга қадар фойдаланишга топширган тадбиркорлик субъектига (кейинги ўринларда инвестор деб аталади) ушбу меҳмонхонани қуриш ва жиҳозлаш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан (кейинги ўринларда Давлат бюджети деб аталади) маблағ ажратиш, шунингдек, 2019 йил 5 январдан бошлаб таниқли ва нуфузли меҳмонхона брендларидан фойдаланиш бўйича франчайзинг тўғрисида шартнома тузган Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган тадбиркорлик субъектларини (кейинги ўринларда ташкилотлар деб аталади) қисман молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**франчайзинг тўғрисидаги шартнома** – ташкилотлар учун дунёнинг таниқли ва нуфузли топ-50 меҳмонхона брендларидан фойдаланиш бўйича тузилган шартнома;

**субсидия** – инвесторларга меҳмонхона қуриш ва уни жиҳозлаш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида Давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган маблағлар.

3. Инвесторларга янги қурилган меҳмонхонаси 3 юлдузли тоифага ва 50 та хонадан кам бўлмаган хоналар фондига эга ёки 4 юлдузли тоифага ва 100 та хонадан кам бўлмаган хоналар фондига эга бўлганда субсидия ажратилади.

Бунда янги қурилган меҳмонхона 2022 йил 1 январга қадар фойдаланишга топширилиши лозим.

Инвесторларга субсидия ажратиш 2019 йил 5 январдан бошлаб, қўшимча равишда янги ташкил этилаётган меҳмонхоналарнинг хоналари фонди 50 мингтага етгунига қадар амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Қўмита деб аталади) ҳар чорак якуни билан қўшимча равишда янги ташкил этилаётган меҳмонхонанинг хоналари ҳисобини юритади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

4. Ташкилотлар дунёнинг таниқли ва нуфузли меҳмонхона брендларидан фойдаланиш бўйича франчайзинг тўғрисидаги шартнома кучга кирган вақтдан бошлаб, уч йил мобайнида ҳар йили бир маротаба Ўзбекистон Республикаси Давлат

бюджети маблағлари ҳисобидан қисман молиялаштирилади (кейинги ўринларда қисман молиялаштириш деб аталади).

Бунда франчайзинг тўғрисидаги шартномалар 2019 йил 5 январдан сўнг кучга кирган бўлиши лозим.

Ташкилотларни қисман молиялаштиришнинг умумий ҳажми кўпи билан 10 миллион АҚШ доллари эквивалентига тенг бўлади.

5. Инвесторлар субсидия олиши ва ташкилотлар қисман молиялаштирилиши учун ҳужжатларни топшириш санасига қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида назарда тутилган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи бўлмаган;

банкротлик ва тугатиш жараёнида бўлмаган;

Давлат бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари асосида молиявий таъминот ва харажатларни қоплаш (мазкур Низом асосида ажратилган Давлат бюджети маблағлари ҳисобга олинмайди) мақсадларига маблағ жалб қилмаган.

6. Инвесторларни субсидиялаш ва ташкилотларни қисман молиялаштириш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

## **2-боб. Инвесторларга субсидия ажратиш тартиби**

7. Инвесторларга субсидия 1 маротаба ажратилиб, унинг миқдори келгуси йил учун Давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш жараёнида ушбу миқдорни ҳар йили индексация қилган ҳолда:

3 юлдузли тоифага эга меҳмонхоналардаги ҳар бир хона учун 40 миллион сўмни;

4 юлдузли тоифага эга меҳмонхоналардаги ҳар бир хона учун 65 миллион сўмни ташкил этади.

8. Инвесторлар субсидия ажратилиши учун Қўмитага ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда субсидия олиш тўғрисида ариза (кейинги ўринларда ариза деб аталади) билан мурожаат қилади.

9. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ариза берувчининг – юридик шахс бўлган инвесторнинг номи, жойлашган жойи (почта манзили), СТИР ва тижорат банкидаги ҳисобрақами реквизитлари;

кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма;

Қўмита ҳузуридаги “Туризм хизматларини сертификатлаш маркази” ДУК томонидан тақдим этилган 3 ёки 4 юлдузли меҳмонхона тоифаси кўрсатилган мувофиқлик сертификатининг нусхаси.

10. Ушбу Низомнинг 9-бандига мувофиқ тақдим этилиши белгиланган мувофиқлик сертификатини инвестор томонидан олинишида ушбу жараёнга хизматлар соҳасидаги хорижий “Катта тўртлик” компанияларини жалб этиш (кейинги ўринларда хорижий компания деб аталади) сертификатлаштиришнинг мажбурий шарти ҳисобланади.

Хорижий компания ёки унинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонасини жалб этиш бўйича қўшимча ҳаражатлар сертификатлаштириш шартномасига киритилади.

Хорижий компания ёки унинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси ташкилотнинг танловига асосан Қўмита томонидан жалб этилади.

11. Қўмита ариза келиб тушган кундан бошлаб ўн иш кунида унинг мазкур Низомда белгиланган талабларга мослигини ўрганиб чиқади.

12. Аризани ўрганиб чиқишда қўшимча ўрганишлар ўтказиш талаб этилса, Қўмита ариза берувчини ёзма шаклда ёки электрон ахборот тизими орқали хабардор қилади ҳамда аризани ўрганиб чиқишни қўшимча 10 иш кунига узайтириши мумкин.

13. Қўмита аризани ўрганиб чиқиб, бир иш кунида субсидия бериш ёки субсидия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва ушбу қарор нусхасини ариза берувчига қарор қабул қилинган куни юборади.

Ариза берувчига субсидия бериш тўғрисидаги қарорда субсидия миқдори, даври, меҳмонхона номи, юлдуз тоифаси ва хоналар фонди, жойлашган жойи (почта манзили) ва унинг кадастр рақами, субсидия олаётган инвестор -юримдик шахс номи ва СТИР рақами, тижорат банкидаги ҳисобрақами кўрсатилади.

Мазкур қарор нусхаси қарор қабул қилинган кундан бошлаб, бир иш кунида Қўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига (кейинги ўринларда Молия вазирлиги деб аталади) юборилади.

14. Ариза берувчига субсидия бериш рад этилган тақдирда, субсидия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар аниқ кўрсатиб ўтилган субсидия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор аризага ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунида юборилади.

Ариза берувчи қарорни олган кундан бошлаб, кўпи билан икки ой давомида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиши ва уларнинг бартараф этилганини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда, Қўмитага такроран ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

15. Субсидия бериш қуйидаги асосларга кўра рад этилиши мумкин:

ушбу Низомнинг 9-бандида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ва маълумотлар тўлиқ ҳажмда тақдим қилинмаганлиги;

ариза берувчи ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган талабларга жавоб бермаслиги.

Субсидия беришни ушбу бандда кўрсатиб ўтилмаган асослар бўйича рад этиш мумкин эмас.

16. Ариза такроран тақдим этилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида Қўмита томонидан қайта кўриб чиқилади.

Бунда янги асослар бўйича субсидия беришни рад этиш мумкин эмас.

17. Ушбу Низомнинг 14-банди 2-хатбошисида кўрсатилган муддат тугагандан кейин тақдим қилинган ариза янгидан берилган деб ҳисобланади.

### 3-боб. Ташкилотларни қисман молиялаштириш тартиби

18. Ташкилотларни қисман молиялаштириш куйидаги ҳажмда амалга оширилади:

3 юлдузли тоифага эга бўлган дастлабки 50 та меҳмонхона – ҳар бир меҳмонхонанинг битта хонаси учун йиллик 200 АҚШ доллари эквивалентида;

4 юлдузли тоифага эга бўлган дастлабки 30 та меҳмонхона – ҳар бир меҳмонхонанинг битта хонаси учун йиллик 400 АҚШ доллари эквивалентида.

19. Ташкилотларни қисман молиялаштириш франчайзинг тўғрисидаги шартнома “Brand Finance” компаниясининг (ушбу компания ўз фаолиятини яқунлаган тақдирда Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) томонидан бошқа рейтинг агентлиги танланади) топ-50 рейтингига кирувчи (ҳужжатларни топширишдан аввал уч йил давомида камида бир маротаба кирган бўлиши лозим) ҳамда Кенгаш томонидан шакллантириладиган рўйхат асосида меҳмонхоналар билан тузилганда амалга оширилади.

“Brand Finance” компаниясининг топ-50 рейтингига кирувчи меҳмонхона билан франчайзинг тўғрисида шартнома тузилгандан сўнг ушбу меҳмонхона топ-50 рейтинг рўйхатидан чиқарилган тақдирда, франчайзинг шартнома ўз кучини йўқотмаган бўлса ҳам, топ-50 рейтинг рўйхатидан чиқарилгани эълон қилинган йилдан кейинги йил учун қисман молиялаштириш давом эттирилиши тўхтатилади.

20. Ташкилотлар қисман молиялаштирилиши учун Қўмитага ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклдаги франчайзинг тўғрисидаги шартнома бўйича қисман молиялаштириш учун ариза (кейинги ўринларда франчайзинг бўйича ариза деб аталади) билан муружаат қилади.

21. Франчайзинг бўйича аризага куйидагилар илова қилинади:

ариза берувчининг – юридик шахс бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентининг номи, жойлашган жойи (почта манзили) ва СТИР рақами ва тижорат банкидаги ҳисобрақами реквизитлари;

франчайзинг тўғрисида тузилган шартнома нусхаси;

Қўмита ҳузуридаги “Туризм хизматларини сертификатлаш маркази” ДУК томонидан тақдим этилган 3 ёки 4 юлдузли меҳмонхона тоифаси кўрсатилган мувофиқлик сертификатининг нусхаси.

22. Қўмита франчайзинг бўйича ариза келиб тушган кундан бошлаб, ўн иш куни ичида унинг мазкур Низомда белгиланган талабларга мослигини ўрганиб чиқади.

23. Аризани ўрганиб чиқишда қўшимча ўрганишлар ўтказиш талаб этилса, Қўмита ариза берувчини ёзма шаклда ёки электрон ахборот тизими орқали хабардор қилади ҳамда аризани ўрганиб чиқишни қўшимча 10 иш кунига узайтириши мумкин.

24. Қўмита франчайзинг бўйича аризани ўрганиб чиқиб, бир иш кунида қисман молиялаштириш ёки қисман молиялаштиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва ушбу қарор нусхасини франчайзинг бўйича ариза берувчига қарор қабул қилинган куни юборади.

Қисман молиялаштириш тўғрисидаги қарорда молиялаштириш миқдори, даври, меҳмонхона номи, франчайзинг тўғрисидаги шартномага мувофиқ хорижий меҳмонхона бренди номи, юлдуз тоифаси ва хоналар фонди, жойлашган жойи (почта

манзили) ва молиялаштирилаётган ташкилот - юридик шахс номи ва СТИР рақами, тижорат банкдаги ҳисобрақами кўрсатилади.

Мазкур қарор нусхаси қарор қабул қилинган кундан бошлаб, бир иш кунида Молия вазирлигига юборилади.

25. Қисман молиялаштириш рад этилган тақдирда, қисман молиялаштиришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар аниқ кўрсатиб ўтилган қисман молиялаштиришни рад этиш тўғрисидаги қарор франчайзинг бўйича ариза берувчига ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунида юборилади.

Франчайзинг бўйича ариза берувчи қарорни олган кундан бошлаб, кўпи билан икки ой давомида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиши ва уларнинг бартараф этилганини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда, Қўмига такроран ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

26. Қисман молиялаштириш қуйидаги асосларга кўра рад этилиши мумкин:  
ушбу Низомнинг 21-бандида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ва маълумотлар тўлиқ ҳажмда тақдим қилинмаганлиги;

франчайзинг бўйича аризачи ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган талабларга жавоб бермаслиги.

Қисман молиялаштиришни ушбу бандда кўрсатиб ўтилмаган асослар бўйича рад этиш мумкин эмас.

27. Франчайзинг бўйича ариза такроран тақдим этилган кундан бошлаб, беш иш куни мобайнида Қўмига томонидан қайта кўриб чиқилади.

Бунда янги асослар бўйича қисман молиялаштиришни рад этиш мумкин эмас.

28. Ушбу Низомнинг 25-банди 2-хатбошисида кўрсатилган муддат тугагандан кейин тақдим қилинган франчайзинг бўйича ариза янгидан берилган деб ҳисобланади.

#### **4-боб. Давлат бюджетидан субсидия ажратиш ва қисман молиялаштириш тартиби**

29. Инвесторларга фойдаланишга топширилган меҳмонхоналар учун қуриш ва жиҳозлаш харажатларининг бир қисмини қоплаш ҳамда таниқли ва нуфузли меҳмонхона брендларидан фойдаланиш бўйича франчайзинг шартномасини қисман тўлаш учун маблағлар 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча маблағлари ва 2020–2021 йилларда эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

30. Инвесторларга субсидия ажратиш ёки ташкилотларга франчайзинг тўғрисидаги шартнома бўйича қисман молиялаштириш учун Қўмига Молия вазирлигига инвестор ва ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар ва ажратилаётган маблағлар ҳисоб-китоби акс эттирилган буюртманомани тақдим этади.

31. Молия вазирлиги Қўмига томонидан тақдим этилган буюртманомани уч иш кунида кўриб чиқади ва тегишли маблағларни Қўмитанинг шахсий газна ҳисобварақларига ўтказиши.

Бунда инвесторларга субсидия ажратиш ёки ташкилотларга франчайзинг тўғрисидаги шартнома бўйича қисман молиялаштириш учун Молия вазирлиги томонидан Қўмига белгиланган тартибда шахсий газна ҳисобварақлари очилади.

32. Маблағлар келиб тушганидан сўнг уларни Қўмита беш иш кунида инвестор ва ташкилотларнинг уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклардаги ҳисобрақамларига маблағларни ўтказиб беради.

33. Молиявий йил якуни билан мазкур шахсий газна ҳисобварақларида фойдаланилмай қолган бюджет маблағлари Ўзбекистон Республикаси Республика бюджетига қайтарилади.

#### **5-боб. Якунловчи қондалар**

34. Субсидия бериш ёки қисман молиялаштириш учун Давлат бюджетидан маблағ ажратилган ташкилотлар рўйхати (ресстри) Қўмитанинг веб-сайтига жойлаштирилади.

Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ва қўшимча равишда ташкил этилаётган хоналар сони тўғрисидаги маълумот ҳар ой якуни бўйича янгилашиб борилади ҳамда йиллар ва ташкилотлар кесимида акс эттирилади.

35. Субсидия олиш ёки франчайзинг тўғрисидаги шартнома бўйича қисман молиялаштирилиши мақсадида тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг тўғрилигига тегишли инвесторлар ва ташкилотлар масъул ҳисобланади.

36. Қўмита субсидия бериш ҳамда қисман молиялаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш, Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг инвесторлар ва ташкилотларга етказилиши юзасидан масъул ҳисобланади.

37. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағларнинг ажратилиши ва инвесторларга етказилишини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти назорат қилади.

38. 3 ёки 4 юлдузли тоифага эга бўлган меҳмонхона учун субсидия ажратилган даврдан бошлаб 5 йилдан кам бўлмаган муддатда меҳмонхонанинг камида ушбу тоифага эгаллиги таъминланиши лозим, акс ҳолда ажратилган субсидия Давлат бюджетига қайтарилади.

Мазкур банднинг 1-хатбошисида келтирилган талабга инвестор томонидан риоя этилиш устидан мониторинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти ва Қўмита томонидан амалга оширилади. Ушбу талаб таъминланмаган ҳолатда Қўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаментига тақдимнома киритилади ва мазкур департаменти томонидан эса ажратилган субсидия белгиланган тартибда инвестордан Давлат бюджетига қайтарилади.

Бунда меҳмонхона 4 юлдузли тоифадан 3 юлдузли тоифага ўтганда, инвестор ажратилган субсидияни тўлиқ эмас, балки икки тоифа учун белгиланган маблағлар ўртасидаги фаркни Давлат бюджетига қайтаради.

39. Дунёнинг таниқли ва нуфузли меҳмонхона брендларидан фойдаланиш бўйича тузилган шартномаларининг амал қилиниши устидан мониторинг Қўмита томонидан амалга оширилади.

Франчайзинг тўғрисидаги шартнома бекор қилинган вақтдан бошлаб Давлат бюджетидан қисман молиялаштириш тўхтатилади.

40. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Инвесторларга янги меҳмонхона куриш ва уни жиҳозлаш  
учун субсидия ажратиш ҳамда ташкилотларни  
франчайзинг тўғрисидаги шартнома асосида қисман  
молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат  
бюджетидан маблағ ажратиш тартиби ҳақидаги  
Низомга 1-илова

**Инвесторларга Давлат бюджети ҳисобидан субсидия ажратиш  
ва ташкилотларни қисман молиялаштириш  
СХЕМАСИ**

| Субъектлар                             | Тадбирлар   | Бажариш муддати   |
|--|---|---|
| Инвестор/ташкilot                      | Ушбу Низомда назарда тутилган ҳужжатларни тайёрлаш ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига субсидия олиш тўғрисида ёки/ва франчайзинг тўғрисидаги шартнома бўйича қисман молиялаштириш учун ариза билан мурожаат этиш.  | Аризачининг хоҳишига кўра   |
| Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси | Аризани ўрганиб чиқиш.  | 10 иш кунда, қўшимча ўрганишни талаб этган ҳолатларда - 20 иш кунда |
| Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси | Субсидия бериш ёки рад этиш/Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қисман молиялаштириш ёки молиялаштиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва аризачига юбориш.  | 1 иш кунда  |
| Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси | Субсидия бериш ёки рад этиш/Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қисман молиялаштириш ёки молиялаштиришни рад этиш тўғрисидаги қарор нуҳасини Молия вазирлигига тақдим этиш.   | 1 иш кунда  |
| Инвестор/ташкilot                      | Субсидия беришни рад этиш/Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қисман молиялаштиришни рад этиш тўғрисидаги қарорни олганда, қарорда кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш ва уларнинг бартараф этилганини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига такроран ариза билан мурожаат қилиш. | 2 ойдан кўп эмас  |
| Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси | Ариза такроран тақдим этилганда, уни қайта кўриб чиқиш.   | 5 иш кунда  |
| Молия вазирлиги                        | Буюртманомани кўриб чиқиш ва тегишли маблағларни Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг шпхсий ғазна ҳисобварақаларига ўтказиш.   | 3 иш кунда  |
| Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси | Инвестор/ташкilotнинг тижорат банкларидаги ҳисобрақамларига маблағларни ўтказиб бериш.  | 5 иш кунда  |



Инвесторларга янги меҳмонхона қуриш ва уни  
жиҳозлаш учун субсидия ажратиш ҳамда  
ташкilotларни франчайзинг тўғрисидаги шартнома  
асосида қисман молиялаштириш учун Ўзбекистон  
Республикаси Давлат бюджетидан маблағ ажратиш  
тартиби ҳақидаги Низомга 2-илова

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Туризмни ривожлантириш давлат**  
**қўмитасига**

**Субсидия олиш тўғрисида**  
**АРИЗА**

\_\_\_\_\_ (юрidik шахсни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномага биноан сўровчининг тўлиқ номи)

\_\_\_\_\_ (манзил, телефон, факс, электрон почта)

\_\_\_\_\_ манзил бўйича рўйхатдан ўтган,

\_\_\_\_\_ (рўйхатдан ўтиш рақами, санаси, гувоҳнома берган орган номи)

**директори:** \_\_\_\_\_ шахс номидан,

\_\_\_\_\_ (сўровчи раҳбарининг лавозими, Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ манзилда жойлашган

\_\_\_\_\_ (вилоят, туман, шаҳар, кўча, бино номери)

меҳмонхонани қуриш ва жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидия ажратишингизни сўрайман.

Меҳмонхона хоналарининг сони: \_\_\_\_\_

Сертификат олинган сана ва рақами: \_\_\_\_\_

Корхонанинг жойлашган жойи (почта манзили): \_\_\_\_\_

СТИР рақами: \_\_\_\_\_

Электрон почта манзили: \_\_\_\_\_

Ҳисобрақами: \_\_\_\_\_

Илова: \_\_\_\_\_ варақда

\_\_\_\_\_ (аризачи раҳбарининг лавозими, Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ (шахсий имзо)

20\_\_ йил \_\_\_\_\_

Инвесторларга янги меҳмонхона қуриш ва уни  
жихозлаш учун субсидия ажратиш ҳамда  
ташкilotларни франчайзинг тўғрисидаги шартнома  
асосида қисман молиялаштириш учун Ўзбекистон  
Республикаси Давлат бюджетидан маблағ ажратиш  
тартиби ҳақидаги Низомга 3-илова

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Туризмни ривожлантириш давлат**  
**қўмитасига**

**Франчайзинг тўғрисидаги шартнома бўйича қисман молиялаштириш учун**  
**АРИЗА**

\_\_\_\_\_ ,  
(юридик шахсни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномага биноан сўровчининг тўлиқ номи)

\_\_\_\_\_ (манзил, телефон, факс, электрон почта)

\_\_\_\_\_ манзил бўйича рўйхатдан ўтган,

\_\_\_\_\_ ,  
(рўйхатдан ўтиш рақами, санаси, гувоҳнома берган орган номи)

**директори:** \_\_\_\_\_ шахс номидан,  
(сўровчи раҳбарининг лавозими, Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ манзилда жойлашган

\_\_\_\_\_ (вилоят, туман, шаҳар, кўча, бино номери)

меҳмонхона Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан франчайзинг тўғрисидаги шартнома бўйича қисман молиялаштирилишини сўрайман.

Франчайзинг тўғрисидаги шартнома бўйича жалб этилган меҳмонхона бренди номи ва шартнома рақами, санаси: \_\_\_\_\_

Меҳмонхона хоналарнинг сони: \_\_\_\_\_

Сертификат олинган сана ва рақами: \_\_\_\_\_

Корхонанинг жойлашган жойи (почта манзили): \_\_\_\_\_

СТИР рақами: \_\_\_\_\_

Электрон почта манзили: \_\_\_\_\_

Ҳисоб рақами: \_\_\_\_\_

Илова: \_\_\_\_\_ варақда

\_\_\_\_\_ (аризачи раҳбарининг лавозими, Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ (шахсий имзо)

20\_\_ йил \_\_\_\_\_